

ҚУЛЛАР МАСАЛАСИ: ХИВА ХОНЛИГИ ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Нодира Холмонаева

таянч докторант

Фанлар Академияси Тарих институти

nkholmonoa@inbox.ru

Аннотация. Хива хонлиги ва Россия ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар ва унга қуллар масаласининг таъсири мавзуси мазкур йўналишидаги аҳамиятли масалалардан бири саналади. Ушбу мақолада миллий ва рус тарихчиларининг асарлари, тадқиқотлари доирасида мавзунинг тарихшунослик жиҳати очиб берилди. Шу жиҳатдан мақоланинг адабиётлар таҳлили ва натижалар қисми бирлаштириб юборилди. Шунингдек, мақолада Хива хонлиgidаги қуллар, уларнинг сони ва ҳолати, ўзаро муносабатларга таъсири каби масалалар тарихшунослик нуқтайи назаридан очиқлаб берилди. Гарчи мақолада мавжуд жамийки адабиётлар доирасида тарихшунослик таҳлили амалга оширилмаган бўлса-да, бу мавзудаги бошлангич иши сифатида баҳолаши мумкин.

Калим сўзлар. Хива хонлиги, Россия, қозоқлар, туркманлар, Каспий денгизи, Ф. Ефремов, қулчилик, “крепостнойлик ҳуқуқи”.

Abstract. The topic of mutual diplomatic relations between the Khanate of Khiva and Russia and the influence of the issue of slaves on it is considered one of the important issues in this direction. In this article, the historiographical aspect of the subject was revealed within the works and researches of national and Russian historians. In this regard, the literature analysis and results part of the article were combined. Also, in the article, issues such as slaves in the Khiva Khanate, their number and status, and their influence on mutual relations were clarified from the point of view of historiography. Although the article does not carry out a historiographical analysis within the existing total literature, it can be evaluated as an initial work on this topic.

Key words. Khanate of Khiva, Russia, Kazakhs, Turkmens, Caspian Sea, F. Efremov, slavery, "the right of serfdom".

Кириш. XVI асрда ташкил топган Хива хонлигининг ташқи алоқаларида қўшни давлатлар бир қаторда Россия билан савдо-дипломатик муносабатларни амалга ошириш ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Мазкур муносабатлардан ҳар икки давлат ҳам манфаатдор бўлишига қарамасдан, қуллар масаласида ўзаро муносабатларда совуқлашиш ҳолатлари ҳам кузатилиб турган. Хива тарихчиларининг асарларида, рус вакиллари (дипломат, сайёх, савдогар, ҳарбий ва б.)нинг қайдларида бу борада талайгина маълумотларни учратиш мумкин. Мазкур манбалардан фойдаланган тарихчилар Хива хонлигининг Россия билан муносабатларини ёритар экан, қуллар масаласига ҳам урғу бериб ўтишади. Мавзуни тарихшунослик нуқтайи назардан очиқлар эканмиз, адабиётларда Хива хонлигидаги қуллар, қулчилик муносабатлари, уларнинг турмуш-тарзи, сиёсий ва ижтимоий ҳаётга таъсири масалалари ўрганилганлигини кузатиш мумкин. Бунда хонликдаги қуллар (рус ва форс) сони ҳар жиҳатдан эътиборда бўлиб келган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Натижалар. Хонликдаги қулларнинг пайдо бўлиш манбалари борасида қатор маълумотлар қайд этилган бўлиб, XVIII асрда М. Чулков мазкур аср бошларида Хива хонлигига ўн мингга яқин рус ва эронлик қуллар борлиги қайд этади. Муаллиф Ёйик ва Эмба дарёси бўйларида асосан талончилик билан кун кечиравчи қозок, қалмоқ ва туркманлар хонликка асирларни олиб келиб яхши нархга сотганлигини, ундан эса Бухоро бозорларига қараб борганликларига эътибор қаратади[1]. Манбаларда ҳам бу борада фикрлар келтирилиб, 1774-1783 йилларда Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон бўйлаб тасодиф туфайли сафар қилган Ф. Ефремов ўз сафарномасида Бухоро амирлиги қўшини таркибида туриб Хива хонлигига қарши юришда ҳаракатланар экан, хонликдаги туркманларнинг така ва солур уруғларига оид улар эронликларни асир олиб Бухоро, Хива ва бошқа атроф давлатларга олиб келиб сотишларини қайд этади[2]. Фалсафа фанлари доктори С.Я. Сушийнинг тадқиқотларидан бири рус халқининг Россияга яқин ҳудудлар (Украина, Белоруссия, Молдавия, Прибалтика, Кавказорти, Қозоғистон ва Ўрта Осиё)га тарқалиш динамикаси ва тарихига бағишлиган бўлиб, муаллиф руслар Ўрта Осиёда XIII асрда ёқ қул сифатида Ўрта Осиёда мавжуд бўлганлигини қайд этади[3]. Тарихчи олим Ҳ. Зиёев монографиясида эса Хивага келиб қолган рус қулларнинг ҳолати ва аҳволига оид маълумотлар келтирилади. Муаллиф уларнинг қаердан ва қай тарзда келиб қолганлиги-ю, неча сўмга сотилганлигини ҳам қайд этади[4]. Шунингдек, Хива хони Оллоқулихон томонидан озод қилинган айrim қулларнинг қайси йилда асирликка тушганлигига оид маълумотларни ҳам келтиради (жами 397 нафар). Унга кўра мазкур қуллар 1781

йилдан 1839 йилгача бўлган давр оралиғида асирикка тушган[5]. Рус қуллари масаласининг бу даражада долзарблиги Россия ташқи сиёсатининг Ўрта Осиё хонликларига нисбтана босқинчилик кайфияти доирасида бўлганлигидан дейиш мумкин. Мазкур важ сабаб бир неча асрлар давомида турли ишлар амалга оширилади. Жумладан, Ф. Лобисевич келтирган маълумотга кўра, Екатерина II даврида Оренбург чегара комиссияси Осиё вилоятларидағи рус қулларни сотиб олиш учун йилига 4 000 рубл ажратган[6]. Муаллиф рус қуллари ишчанлиги учун ҳам бозори чаққон бўлганлигини, ҳатто рус вакиллари уларни сотиб олиб кетаётганда йўлда яна хиваликлар ва қозоқлар хужумига учраб ортга бозорга олиб келиниб сотганлигини қайд этади[7]. Қуллар масаласини узил-кесил ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш учун 1822 йилда Россия томонидан ҳар икки давлат (Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги) вакилларини чақириб бир вақтда музокара ўтказишига келишилади. Ф. Лобисевич мазкур давлатлар чақирувга жавоб қайтармаганликларини қайд этади.

Хива хонлигидаги қуллар сони манбаларда ҳам аниқ келтирилмасдан, тахминий рақамлар билан кўрсатилади. Шу сабабли адабиётларда ҳам бу борада турлича фикрлар баён этилади. Қуйида даврийлик асосида адабиётларда келтирилган хонликдаги қуллар сонига оид маълумотларни кўрсатиб ўтилиб, бунда манба маълумотлари ҳам келтирилади. С.Я. Суший архив хужжатлари асосида 1670 йил рус элчилари Иван ва Семён Пазухинларнинг Ўрта Осиёда жами 300 рус асир сақланиб, улардан 150 нафари Бухоро хонлигига, 100 нафари Балхда ва 50 нафари Хива хонлигига эканлигига оид маълумотларни келтиради[8]. Муаллиф 1728 йилда Хива хонлигидаги рус қуллари эронлик қулларга ҳам бош бўлиб, Хива хони Шерғозихонга қарши исён кўтарганликларини қайд этади. Бунда С.Я. Суший Ўрта Осиёдаги руслар фақат қуллар сифатида бўлмасдан, XVI-XIX асрлар давомида бир қанча дипломатлар, саёҳатчилар ва савдогарлар ҳам ташриф буюрганлигига эътибор қаратади[9]. Н. Халфин монографиясида Ф. Беневенининг Бухорога сафарига оид маълумотларни келтирас экан, унинг Хивада 1 000 га яқин рус қуллар мавжуд бўлган деган фикрларини келтиради[10]. Р. Алимова XX аср 30 йилларида тадқиқот олиб борган Е. Зелькинанинг қуллар борасидаги фикрларини ҳам келтиради. Унга кўра, XVIII асрда Хиванинг катта бозорларида 200 тагача қуллар бўлганлиги эътироф этилган[11]. 1815 йилда хонликдаги қуллар масаласида М.Т. Каченовский томонидан “Вестник Европы”нинг бир сонида мақола нашр этилади. Мазкур мақолада муаллиф хонликдаги рус қулларнинг сони (15.000 деб кўрсатилади), турмуш тарзи, яшаш шароитига оид маълумотларни келтиради[12]. 1818 йил хонликда бўлган А. Субхонқуловнинг

архивда сақланаётган қайдларида қулларга оид “хонликда рус қуллар 1.000 нафарни, эронликлар эса 300 нафарни ташкил этиб, хоннинг атрофида эронлик қуллар кўпчиликни ташкил этиб, рус қуллар турли хўжалик ишларида фойдаланилган”, деб қайд этади[13]. Мазкур архив ҳужжатлари муаллифлар И.В. Ерофеев ва Б.Т. Жангаевлар томонидан нашр этилади ва бунда сафарнома эгасининг қайдлари барча соҳаларни қамраб олганлигини кўриш мумкин. Бунда асосий эътибор хонлик шаҳарлари, амалдорлар фаолияти, аҳолининг сиёсий тартиботга муносабати (амалдаги хондан хиваликлар норозилиги айтилади), ҳарбий қўшин ҳолати, қуллар масаласига оид маълумотлар катта ўринни эгаллайди[14]. С. Севаствянов 1825-1830 йиллар орасида хонликда 1 800 нафардан кам бўлмаган рус қуллар мавжудлигига оид маълумотни қайд этади[15]. Муаллиф шунингдек, ўз ишида 1832 йил Жуковский томонидан император Николай 1 кўриги учун Осиё департаменти раҳбари (1819 йилдан) К.К. Рудофиникинга тақдим қилган қуллар статистикасига оид жадвални ҳам келтиради[16]. Унга кўра, 1758 йилдан 1831 йилгача бўлган даврда қозоқлар томонидан хонликка олиб келинган рус қулларнинг сони 3 497 нафарни ташкил этган. 1790 йил Ўрта Осиёга ташриф буюрган митрополит Хрисанф Неопатрицкий Ҳиндистон, Кашмир, Кобул ва Балх орқали Ўрта Осиёда Самарқанд, Бухоро ва бир йил ушлаб қолинган Хивага ташриф буюради ва хон рухсати билан 1792 йил Астраханга қайтишга эришади. Мазкур ташрифга оид маълумотлар Б. Ахмедов келтирап экан, унинг қуллар масаласига ҳам тўхталганлигини қайд этади. Унга кўра, Хивада 4.000 дан ортиқ рус қуллар ва 6.000 га яқин эронлик қуллар бор ва улар ўз эгаларига қарши бошланажак қўзғалонни кутиб туришибди[17]. Б. Ахмедовнинг фикрига кўра митрополит Хрисанфнинг ёзганлари жуда кам ўрганилган бўлиб, маълум бир мавзу доирасидагина тадқиқотларга тортилган. Аслида унда Ўрта Осиё ҳақида кўплаб этнографик характерга эга маълумотларни ҳам топиш мумкин[18]. М. Йўлдошев XIX asclf Хива хони ихтиёрида 1 500 қул бўлганлигини таъкидлайди[19]. XIX асрнинг 40-60 йилларида Ўрта Осиё ва Россия муносабатларини тадқиқ қилган М. Рожкова хонликлардаги қулчиликнинг мавжудлиги, қўшни давлатларига нисбатан Хива хонлигига уларнинг сони кўпроқ бўлганлигини қайд этади[20]. П. Иванов 1858 йил Н.П. Игнатьев миссияси таркибида бўлган Н. Залесовнинг қулларга оид қуидаги фикрларини келтиради: “эронлик қуллар бу ерда катта аҳамиятга эга, умуман олиб айтганда уларнинг меҳнати(ёрдами)сиз қўриқ ерларнинг ерларнинг ярмини ўзлаштира олишмас эди”[21]. Муаллиф ўзи фойдаланган фойдаланган манбада хонликдаги қуллар сони ўша давр (XIX аср ўрталари)да 10.000 нафарни ташкил қилганлигини қайд этади.

Муаллифлар О. Қўшжонов ва Н. Полвонов тадқиқотида Мухаммад Раҳимхон Соний томонидан 1873 йил 12 июнда хонликдаги қулларни озод килишга оид фармони асосида қуллик тартибига ҳам бутунлай барҳам берилганлиги қайд этилади[22]. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишида ижобий натижаларни излаган муаллифлар А. Аминов ва А. Бабаходжаевлар хонлик “қўшиб олингач” (босиб олингач-Н.Х.) 30.000 қул озод этилиб, уларнинг кўпчилиги рус маъмурлари ёрдамида ўз ватанига қайтариленганини оид маълумотни қайд этадилар[23]. Мазкур маълумотни рус тадқиқотчиси А. Постников ҳам қайд этади[24]. Муаллиф мазкур воқеадан сўнг Эрон 6 000 дан ортиқ ўзининг озод қилинган фуқароларини қабул қилиб олганлигини таъкидлайди[25]. Е.А. Глущенко эса Кауфман талаби билан хива хони 40.000 эронлик қулни озод қилишга оид манифест имзолаганлигини қайд этиб ўтади[26]. Мазкур даврда хонликда мавжуд қуллар сонига оид маълумотлар Мак-Гаханда 27 000 эронлик қул бор, деб кўрсатилади[27]. Мазкур маълумотни У. Шерипов Хива хонлиги тарихига бағишиланган диссертацияда келтиради ва унда Мак-Гаханнинг хонликдаги жами эронликлар 30 000 нафарни ташкил этган деган маълумотини кўрсатиб ўтади[28].

Шунингдек, манба ва адабиётларда, хонликда мавжуд қулларнинг бозордаги нархларига оид маълумотлар келтирилиб, тарихчи олим Б. Ахмедов Пазухинлар элчилиги доирасидаги йўриқнома (наказ)лар асосида намуна келтиради. Жумладан, ака-ука Пазухинлар Хива, Бухоро ва Балх давлатларида 300 нафар атрофида рус қуллари яшашини таъкидлаб, фақатгина 22 нафар рус асирни 685 рубл 21 олтин 4 пулга сотиб олишга эришишади[29]. Хонликка келган Борис Пазухин қолдирган маълумотда Хивага қалмиқлар еридан 200 ва ундан ортиқ рус асирлар олиб келиниб, улар 40 ва ундан юқори рублларга бозорга олиб чиқиб сотилган. Кўпчилик қуллар эса ҳатто Ҳиндистонга олиб бориб сотилган[30]. Ҳ. Зиёев қулларнинг ички ва ташқи савдадаги бозор нархларини қайд этади. Унга кўра. Рус асирлари ёши ва куч-қувватига қараб 60-90 тилладан сотилган. Эрон асирларининг нархлари эса 50-30 тилла миқдорида бирмунча паст бўлган[31]. П. Хопкирк ҳам ўз навбатида хонликдаги қулларнинг аҳволини Н. Муравьев сафарномаси асосида келтириб, унда рус қулларнинг аянчли ҳолатини бўрттиришга ҳаракат қиласи. Шунингдек, рус, эронлик ва курд миллатига мансуб қулларнинг нархлари борасида маълумотларни ҳам қайд этади. Бунда рус миллатига мансуб ёш йигитларнинг нархи баландлигини, аёлларда эса аксинча эронликларнинг қиймати юқори туришини таъкидлайди[32].

Хива хонлиги ва Россия алоқаларида қуллар масаласи доимий равишда кўтарилиган бўлиб, рус ҳукумати уларнинг озод этилишини сўраб ўз вакилларини юбориш билан бирга, хонликка қарши ҳарбий ҳаракатларни олиб боришда баҳона сифатида ҳам фойдаланади. Туркманлар тарихига оид асарда Нодиршоҳ хонликни эгаллагач, 12 000 асири озод қилганлиги ва улар орасида руслар ҳам борлиги қайд этилади[33]. Ф. Таджиева 1810-1850 йилларни Н. Муравёв қайдлари асосида Россия ва хонлик ўртасида қулларни озод қилиш ҳақидаги талабларнинг энг қучайган даври сифатида кўрсатади[34]. “Наши соседи в Средней Азии” журналининг хонликка оид қисмида 1836 йил рус-хива муносабатлари ёмонлашиб, ҳар икки томон савдогарларининг моллари тортиб олиниб, ўзлари маълум муддат сақловда қолганликлари, оқибатда 1837 йил хонлик ҳукумати муносабатларни юмшатиши инобатга олиб 25 нафар рус қулларни озод этиб ватанига қайтарганлигига оид маълумотлар қайд этилади[35]. Аслида муносабатларниг кескинлашувига ҳам қулларни озод қилиш масаласи сабаб бўлиб, мазкур масала Россиянинг хонликка нисбатан босқинчилик юриши учун бир баҳона сифатида қараш мумкин. Г.А. Михалева ҳам мазкур маълумотларни қайд этиб, рус ҳукумати хивалик савдогарларни озод қилмагач Оллоқулихон 1838 йилда яна 80 нафар рус қулларни озод қилиб, ўзининг вакили орқали совғалар билан рус подшосига йўллагани, подшо уларни қабул қилмасдан 1839 йилда ҳарбий ҳаракатлар бошланишига фармон берганлигини қайд этади. Бунда муаллиф В. Перовский экспедициясининг бошланишига қуллар масаласи сабаб бўлганлигига ургу беради[36]. Маълумки, мазкур масала хонликни эгаллаш учун бўлган омиллардан бири бўлган. “Наши соседи в Средней Азии” журналида келтирилган маълумотда 1839 йил В.А. Перовский экспедициясидан сўнг Хива хонлиги 1840 йил ёзида 418 нафар рус қулни озод қилиб ортга қайтраганлиги қайд этилса[37], А. Постников худди шу йили 500 нафар рус асири Россияга қўйиб юборганлигини қайд этади[38]. Х. Ғуломов монографиясида 1840 йил 19 июлда Хива хони Оллоқулихон томонидан хонликда рус қулларни сотиб олиш ва сотишни тақиқловчи фармони келтирган[39]. Муаллиф бу ерда В.Перовский экспедициясидан шубҳаланган Хива хони Оллоқулихон шундай йўл тутганлигига ургу берган бўлиши мумкин.

Хонликлар тўғрисида маълумот тўплаш ва уни узатиш борасида ҳатто қуллар ҳам жонбозлик кўрсатган. 1826 йилда Хивадан Оренбургга қочиб кетган рус қуллардан бири Ковирzin асли астраханлик бўлиб, Оренбургга боргач Осиё чегара комиссияси президенти генерал фон Генс томонидан унинг Хива хонлигига оид маълумотлари ёзиб олинади ва бошқа бир қатор муаллифлардан Бухоро ва Кўқон хонликларига оид маълумотлар тўпланиб, 1839 йилда

Петербургда нашр этилади[40]. Мазкур қайдларда хонликнинг табиати, географик ўрни, катта-кичик 75 та шаҳарлари таърифи, улардаги йўлларнинг ҳолати, аҳолиси, хўжалиги, аҳолиси, Бухоро, Хитой, Қўқон билан савдо алоқалари, ички бозорлардаги маҳсулотларнинг нархлари, аҳолидан олинадиган солик турларига оид маълумотлар берилади. Ф. Генснинг қайдлари ҳаммуаллифлар Л. Захарова ва И. Ерофеевалар томонидан ўрганилиб нашр этилади[41]. Муаллифлар мазкур қайдларни Н. Муравёв қайдларидан кейинги аҳамияти юқори бўлган маълумотнома сифатида баҳо берадилар.

Таъкидлаш жоизки, рус қуллар Хива хонлигига демократик тартиблар асосида кун кечиришган. Улар ҳатто Россияга кетаётган савдо карvonларидан рус ҳукуматига турли илтимосномалар йўллашган. Бунга ўхшаш маълумот С. Севаствянов ишида келтирилиб, унда 1832 йил Оренбургга келган бухоролик савдогар Гариф Отагелиев Оренбург чегара комиссияси бошлиғи граф Сухтеленга хивалик рус қулларнинг 8 та мактубини етказади. Мазкур мактубларда уларнинг умумий ҳолати билан биргаликда эътиқоди учун зарурий китоблар, хочлар сўралган бўлган[42]. Оқибатда 1833 йил граф Сухтелен ташаббуси билан Оренбургдан Хива савдогар Абдулла Бектошев бошчилигидаги карvon тайёрланиб, 400 та кумуш хочлар, 1 та “Библия”, 1 нафар хизматчи (диний), 2 та диний календар юборилади. Бироқ мазкур карvon тақдирига оид маълумотлар қайд этилмаганлиги таъкидланади[43]. Гарчи ўзи хонликда бўлмаса-да, Ост-Индия компаниясининг лейтенанти Александр Борис сафарномасида 1831-1833 йиллар давомидаги Эронда эшитган Хива хонлигидаги эронлик қуллар ҳақида сўз юритар экан, Африка қулчилиги билан таққослайди ва нисбатан адолатли қулчилик дея, баҳо беради. Муаллифнинг фикрича, хонликда фақатгина форсий қулларнинг диний жиҳатдан эзилиши ва айrim қора ишларга жалб этилишини ҳисобга олмагандан, негр қулларга нисбатан ҳолатлари яхши бўлган[44].

Турк тарихчиси Седа Йилмаз тадқиқотида Россия томонидан хонликлар эгаллангач Хива ва Бухорода қул бозорлари ёпилган дея қайд этади[45]. Сўнгги йилларда амалга оширилган айнан Хива хонлигидаги қулчилик муносабатларига бағищланган тадқиқот муаллифи Феруза Таджиева архив ҳужжатларидағи маълумотлар асосида хонликда қулчилик XX аср бошларига қадар мавжуд бўлган деган хulosани беради. Муаллиф бунда 1902 йилги қуллар учун олинган закот ҳужжати ва 1916 йилда ёш бир йигитнинг ўғирланиб қул сифатида сотилишга ҳаракат қилинганилигига оид ҳужжатларни намуна қиласи[46]. Тадқиқотчи шунингдек, Россия Федерациясининг Оренбург вилояти Давлат архиви ҳужжатлари ва хивалик тарихчилар Лаффасий ва Б. Сафаров, А.

Болтаевларнинг шахсий фонд ҳужжатлари маълумотлари асосида XVI – XIX асрлардаги қулчилик муносабатлари факат хонлик томонидан амалга оширилмасдан, мазкур тизимни кўллаб турувчи ташқи кучларнинг мавжудлиги, рус ҳукумати фуқароларининг мамлакатидаги сиёсий жараёнлар ва тазиيқлар натижасида хонликка келганлиги, ҳамда ҳатто қуллар орасидан хоннинг ишончига кириб маълум бир давлат лавозимини эгаллаганликларига оид маълумотлар[47]. Мазкур тадқиқот ишида Хива хонлигидаги қуллар масаласининг тарихшуносликка оид қисми ҳам бўлиб, унда бу борадаги давтлабки иш XX асрнинг ўрталарида А.С. Морозова томонидан амалга оширилганлиги қайд этилади[48]. Аммо муаллифнинг ўзи мазкур иш билан танишиб чиқмаганлигига урғу берилади. Қайд этиб ўтиш керакки муаллиф хонликдаги қуллар мавзусида маълумот келтирган бир қанча юртимиз тарихчилари ҳақида сўз юритар экан, Хива хонлиги дипломатияси ва унга қулчиликнинг ҳам маълум даражада таъсир кўрсатганлигини ўз монографияларида архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар асосида қайд этган тарихчи Н.А. Аллаеванинг тадқиқотини ўрганмайди. Хива хонлиги дипломатияси бўйича мутахассис Н.А. Аллаева Россиянинг хонликдаги қуллар ва қулчиликка оид норозиликларига ўз таъсирини ўтказишдаги сиёсий баҳона сифатида кўрсатиб, унинг ўзида 1861 йилга қадар қўлланиб келинган “крепостнойлик ҳукуқи”, бошқача айтганда қулликнинг “расмий кўриниши” қонунийлаштирилган ҳолда амал қилганлигини таъкидлаб ўтади[49].

Холоса. Хива хонлиги ва Россия ўртасидаги савдо-дипломатик муносабатларга қуллар масаласи ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан таъсир кўрсатиб келган. Бунинг таъсирида ўзаро элчилик алоқалари доирасида илк бор 1683 йилда хива элчиси Иброҳимбек карвонида бир қанча рус қуллар хонликдан озод этилиб Россияга олиб борилади. Рус ҳукумати бунда фуқароларининг хонликка асир сифатида олиб кетилиб, кул қилиниб сотилишини қаттиқ туриб қоралайди ва хонлик ҳукуматидан бу борада чора кўриш талаби билан тез-тезх мурожаат қилиб турган. Мазкур мавзу тадқиқига оид бир нечта адабиётлар мақолада келтирилиб, хорижда мазкур масаланинг ўрганилиши масаласи очиқлигича қолмоқда. Мавжуд адабиётлар эса таҳлил талаблиги билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Чулков М.Д. Историческое описание Российской коммерции при всех портах и границах от древних времён до ныне настоящего. СПб., 1785. Т. 3. С. 428.
2. Ефремов Ф. Странствование Филиппа Ефремова в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибете и Индии и возвращение его оттуда чрез Англию в Россию. Третие вновь переделанное, исправленное и умноженное издание. Казань, 1811. С. 21
3. Сущий С.Я. Русские в ближнего зарубежья: история, современность, перспективы (геодемографический аспект). – Ростов н/Д: Изд-во ЮНЦ РАН, 2019. – 344 с. С. 264.
4. Зиёев X. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми — XIX аср). 1 жилд. Тошкент: “Таълим нашриёти”, 2014. Б. 70.
5. Ўша адабиёт. Б. 154-155.
6. Лобысович Ф. И. Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и дипломатическом отношениях. СПб., 1900. С. 76.
7. Ўша адабиёт. Б. 76.
8. Ўша адабиёт. Б. 76.
9. Сущий С.Я. Русские в ближнего зарубежья: история, современность, перспективы (геодемографический аспект). – Ростов н/Д: Изд-во ЮНЦ РАН, 2019. – 344 с. С. 265.
10. Ўша адабиёт. Б. 265.
11. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX века). М., 1974. С. 24.
12. Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – М., 1930. – С. 30.
13. Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иктисодий муносабатлари (XVI – XX аср рус тарихшунослиги ва манбалари асосида). Тошкент, 2017. Б. 75.
14. Каченовский М.Т. Невольники в Хиве // Вестник Европы, Часть 80. № 7. 1815. С. 1.
15. Ерофеева И.В., Жанаев Б.Т. Путевые дневники и служебные записки о поездках по южным степям. XVIII-XIX века // История Казахстана в русских источниках XVI-XX веков. Том VI. Алматы. Дайк-пресс. 2007
16. Севастьянов С.Н. События в Оренбургском крае, и подготовившая экспедицию в Хиву 1839-1840 гг. // Труды Оренбургской ученой архивной комиссии. Выпуск № 16. Оренбург, 1906. С. 126.
17. Ўша адабиёт. Б. 128-129.

18. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Письменные памятники. Ташкент: «Фан», 1985. С. 218.
19. Ўша адабиёт. Б. 219-220.
20. Йўлдошев М.Й. Хива хонлигидаги феодалер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1989. Б. 167.
21. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией 40-60 - е годы XIX века. Москва, 1963. С. 33.
22. Иванов П.П. «Удельные земли» Сейид-Мухаммед-хана хивинского. Записки института востоковедения Академии наук СССР, том-6. М(Л)., 1937, С. .
23. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва қаракатлар (XIX яср иккинчи ярми - XX аср биринчи чораги). Тошкент, 2007. Б. 102.
24. Аминов А.М., Бабаходжаев А.Х. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. Ташкент: “Узбекистан”, 1966. С. 53.
25. Постников А.В. Становление рубежей России в Центральной и Средней Азии (XVIII-XIX вв.). Роль историко-географических исследований и картографирования. Монография в документах / Под общей редакцией и с предисловием академика В.С. Мясникова. М.: Памятники исторической мысли, 2007. С. 256.
26. Ўша адабиёт. Б. 260.
27. Глущенко Е.А. Герои империи. Портреты российских колониальных деятелей. Москва: XXI век, 2001. С. 116.
28. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва қаракатлар (XIX яср иккинчи ярми - XX аср биринчи чораги). Тошкент, 2007. Б. 102. Яна қаранг: Мак-Гахан Военные действия на Оксуссе и падение Хивы. М., 1875, С. 228.
29. Шерипов У.А. Хива хонлиги тарихи (1511-1920 йй.). Тарих фан. номзод. дисс. Урганч, 2009.Б. 107.
30. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Письменные памятники. Ташкент: «Фан», 1985. С. 211.
31. Ўша адабиёт. Б. 211-212. Қаранг: Наказ Борису и Семену Пазухиным, посланным в Бухару, Балх и Юргенч. 1669. Издан под редакцией А.Н. Труворова. – РИБ, т. 15. СПб., 1894. 91 с. Б. 58-59.
32. Зиёев Х. Тарихнинг очилмаган сахифалари. Тошкент, 2003. Б. 98.
33. Хопкирк П. Большая Игра против России: Азиатский синдром. Москва, 2004. С. 46-47.
34. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том 2. Иранские, Бухарские и Хивинские источники. Под редакцией В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромасевича и П.П. Иванова. Москва-Ленинград, 1939. С. 146.
35. Таджиева Ф. Хива хонлигидаги қулчилик муносабатлари моҳияти ва ижтимоий оқибатлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. Нукус, 2022. 55 б. Б. 12.

36. Наши соседи Средней Азии. Хива и Туркмения. СПб., 1873. С. 73.
37. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII - первой половине XIX века. Ремесло, торговля и пошлины. Ташкент: «Фан», 1991. 116 с. С. 105-106.
38. Наши соседи Средней Азии. Хива и Туркмения. СПб., 1873. С. 97.
39. Постников А.В. Становление рубежей России в Центральной и Средней Азии (XVIII-XIX вв.). Роль историко-географических исследований и картографирования. Монография в документах / Под общей редакцией и с предисловием академика В.С. Мясникова. М.: Памятники исторической мысли, 2007. С. 290.
40. Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII-первой половине XIX века. Тошкент, 2005. С. 247.
41. Gesammelt von dem Präsidenten der asiatischen Grenz-Commission in Orenburg General-Major Gens, bearbeitet und mit Anmerkungen versehen von Gr.v. Helmersen. — St. Petersburg: Buchdruckerei der Kaiserlichen Akademie der Wissenschaften, 1839. — S. 1-124.; (Генс Ф.Г. Известия о Хиве, Бухаре, Коканде и северо-западной части Китайского государства.)
42. Захарова Л.А., Ерофеева И.В. Немецкие исследователи в Казахстане, Часть 1 // История Казахстана в западных источниках XII-XX веков. Том V. Алматы. Санат. 2006
43. Севастьянов С.Н. События в Оренбургском крае, и подготовившая экспедицию в Хиву 1839-1840 гг. // Труды Оренбургской ученой архивной комиссии. Выпуск № 16. Оренбург, 1906. С. 138.
44. Ўша адабиёт. Б. 139.
45. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагора с подарками Великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятое по предписанию высшего правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индской компанейской службы Александром Борисом. Издание П.В. Голубкова, члена русского геог.общ. Москва, 1848. С. 490.
46. Seda Yilmaz V. XIX. yüzyılda Seyahatnamelerin işi̇gi altında Buhara emirliği (hanlığı). Doktora tezi. Haziran, 2013. S. 69.
47. Таджиева Ф. Хива хонлигига қулчилик муносабатлари моҳияти ва ижтимоий оқибатлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. Нукус, 2022. 55 б. Б. 7.
48. Ўша адабиёт. Б. 7.
49. Ўша адабиёт. Б. 16. Қаранг: Морозова А. С. Рабство у туркмен и узбеков Хивинского ханства в XIX веке. Диссертация на соискание степени кандидата исторических наук, Л., 1945 (рукопись хранится в Гос. Публичной б-ке им. В. И. Ленина).
50. Аллаева Н.А. Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари. Тошкент: “Akademnashr”, 2019. Б. 265.